# EKOLOGIYA VA BUGUNGI KUN TA'LIMIDAGI EKOLOGIK MUAMMOLAR

*Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari (iqtidorli talabalarning ilmiy ishlari)*

TOSHKENT

| | | |
|---|---|---|
| O'zDJTU LatipovBobur guruh-116 Ilmiy rahbar: Yu.Yuldoshev | **INTERNET TARMOGIDAN FOYDALANISHNING JAMIYATDAGI ORNI** | 164 |
| Ilmiy rahbar: Yu.Yuldoshev Talaba: Rahmonova Shahnoz O'z DJTU Ingliz tili | **CHET TILLARINI OQITISH VA O'RGANISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYA VOSITALARINING TUTGAN O'RNI** | 166 |
| 3-fakulteti.108-guruh talabasi: Rajabova Munisxon Ilmiy rahbar: Bozorov Ixtiyor. | **TA'LIM MUASSASALARIDA EKOLOGIK TA'LIM VA EKOLOGIK PSIXOLOGIYA** | 168 |
| O'zDJTU ingliz tili 3-fakultet, 130-guruh Qobilova Nigina | **SOHIBQIRON DAVLATINING RAMZLARI** | 170 |
| UzSWLU faculty 3, group 102 Student: Abdullayeva Kamola Scientific adviser: Rsaliyev Arman | **THE IMPORTANCE AND SUBITUTION OF NATIONAL-SPIRITUAL ECOLOGICAL CRITERIONS IN KEEPING ECOLOGICAL BALANCE AND USING NATURAL RESOURCES WISELY** | 171 |
| Written by: Tojimirzayev Jurabek Scientific instructor: Khujanova O' | **NATIONAL AND FOLK COSTUMES OF COUNTRIES ALL OVER THE WORLD** | 174 |
| O'zDJTU ingliz tili II fakulteti 420-guruh:Tozaboyeva Sevara Ilmiy rahbar: S.Yusupova. | **YOSHLARDA DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZMGA QARSHI KURASHNING MA'NAVIY IMMUNITETINI SHAKLLANTIRISH.** | 176 |
| UzSWLU faculty 1, student: Daminova Fotima Sientific supervisor: Gaziyeva D | **THE USE OF PHRASAL VERBS IN ENGLISH** | 177 |
| UzSWLU faculty 3, group 406 Student: Ruziyeva Mehribon Sientific supervisor: D.L.Baisheva | **THE HISTORY OF AMERICAN DRAMA** | 180 |
| O'zDJTUingliztili II fakultetiRasulovFayzulla | **THE COGNITIVE ROLE OF STYLISTIC DEVICES IN THE ENGLISH AND UZBEK POETRY** | 182 |





| | | |
|---|---|---|
| Ilmiyrahbar: Xojiqulov Sh UzSWLU, English 3-facultyStudent: Samiqova Nozima Scientific adviser: Raimova K | **HOW TO LEARN HUMANITARIAN SUBJECTS IN AN EFFECTIVE WAY** | 184 |
| UzSWLU faculty 3, Student: Shirinova Parvina Scientific adviser: Yuldashev Yusuf | **INFORMATION THEORY** | 186 |
| Suyunova Zuhra 331 guruh, Ilmiy rahbar: Saidova Sh. | **SOG'LOM TURMUSH TARZI –TALABALARDAGI OVQATLANISH RATSIONI** | 188 |
| O'zDJTU, xalqaro jurnalistika fak. M. Yusupova Ilmiy rahbar: To'rayeva F. | **TABIAT VA INSON O'RTASIDAGI MUNOSABATLARNI TO'G'RI SHAKLLANTIRISH ERTANGI FAROVON KELAJAGIMIZ POYDEVORIDIR** | 189 |
| O'zDJTU ingliz tili II fakulteti Tozaboyeva Sevara Katta o'qituvchisi: G. Aripova | **INGLIZ TILINI O'RGANISHDA INTERNET VA KOMPYUTERLARDAN FOYDALANISH** | 192 |
| USWLUEnglish faculty -2, Student: Yuldasheva Lobar Scientific adviser: Raxmatova Nargiza | **SYNONYMS AND THEIR ROLE IN ENRICHING ENGLISH** | 194 |
| UzSWLU English 3rd faculty Done by: AkhmedovaMukhlisa Supervisor: Lutfitdinova Nozima | **THE INTERNET AS A RECOURSE FOR LANGUAGE LEARNING AND TEACHING** | 196 |
| ЎзДЖТУ, инглиз тили 3- фак, 305-гурух: Сайибова З., Илмий рахбар: Турсунова Н. | **НАРКОМАНИЯ КАБИ ИЛЛАТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИ ВА НАТИЖАСИ** | 198 |
| ЎзДЖТУ, Халқаро журналистика фак. М. Оққўзиева, Илмий раҳбар: Ҳ. Эргашева | **ҲАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР** | 201 |
| Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ҳайитов А.Б. | **МАККАЖУХОРИ НАВЛАРИ УРУҒИНИНГ ЭКИШ СИФАТИГА ТУП ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ** | 203 |

2. Materials which are special developed for teaching and learning foreign languages. In such kind of web sites you can practically find everything: lesson plans, course book, tests, activities…

3. Home-page of teachers on internet. It contains information, materials, control works and tasks developed for specific students.

4. E-mail. It helps to increase writing skills of students or you can easily control their understanding new theme.

5. Materials for teachers. Teachers have an opportunity to find any kind of materials, interesting methods for using during the classes and can exchange their knowledge, achievement and experiment with their colleague.

To sum up, nowadays internet becoming the part of our life even in educational sphere.There is no doubt that theavailability of modern internet resources provides not only students but also teachers with exciting possibilities for innovative challenges in the teaching and learning of the English language.

**References:**

1. UNESCO Institute for Information technologies in education "Internet in Education" Support materials for educators.AzatKhannanov. Moscow 2003

2. Wikipedia - the free encyclopedia [http://en.wikipedia.org/wiki/Computer-assisted_language_learning], retrieved 2009 12 22.

3. Computer-assisted language learning [http://www.edvista.com/claire/call.html], retrieved 2009 12 22.

## НАРКОМАНИЯ КАБИ ИЛЛАТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИ ВА НАТИЖАСИ

*ЎзДЖТУ , инглиз тили 3- фак, 305-гурух:*
*Сайибова З., Илмий рахбар : Турсунова Н.*

Планетамиз бўйлаб балои-офат сифатида инсон саломатлигига путур етказиб, ҳам жисмонан, ҳам руҳан издан чиқарувчи, умр заволи бўлмиш наркомания ва токсикоманияни даволаш ва унинг олдини олишлик, ҳозирги замон талабининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, наркоманияга мубтало килувчи бир қатор наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларидан келаётган мўмай даромадларнинг асосий қисми «кўпорувчилик», «диний экстремизм», «қурол яроғларни сотиб олишлик», «наркобизнес» ларни қўллаб-қўлтиқлашга,ривожлантиришга ҳамда уларнинг ташкилотчиларига сарфланмоқда. Шунинг учун ҳам наркомания ва токсикоманияга қарши яна «залварли ўт очиш» даври келди. Чунки у умумжаҳон, оғир ва мураккаб муаммолардан бўлиб қолмоқда, Зеро унинг маънавий, маърифий, маданий, иқтисодий, сиёсий масалалар билан боғлиқлиги туфайли ушбу масалаларга Президентимиз томонидан жиддий ва катта аҳамият бериб келинмоқда.



Қуръони Каримнинг «Моида» сурасида «Ҳамр» лавзи билан келган сўз, араб тилида «ҳамр» – «тўсиш» – «беркитиш» маъноларини англатади. Уни истеъмол килган кишининг ақлига таъсир этадиган, бошқача айтганда маст-кайф киладиган ҳар бир нарса «ҳамр» (харом) дейилади. Пайғамбаримиз (САВ) ҳадисларида «Ҳар бир маст-кайф қилдирувчи нарса «ҳамрдир». Ҳар бир «ҳамр» ҳаромдир», дейилган. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло бандаларига хитоб қилиб: «Бас бундайлардан четда бўлинглар» дейди (90-оятда).

**Наркомания** (гиёҳвандлик)нинг келиб чиқиш тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Масалан, «Опий» бундан 600 йил илгари қўлланилган, унинг ухлатувчи таъсири эрамиздан олдинги 2000 йиллардаёқ шарқий Ўрта денгиз халкларига маълум бўлган. Грецияда эрамиздан олдинги мингинчи йилларда қайд этилган. Геродотга эрамиздан олдинги бешинчи асрда маълум бўлган. Табобатнинг отаси Гиппократ онгни даволаш мақсадида қўллаган. Александр Македонскийнинг кўкнори ўсимлигини Жанубий Осиёга эрамиздан аввалги IV асрда келтирганлиги маълум. Парацелс Жанубий Шарқий Осиёга Ҳиндистондан XVII асрда келтирилганлиги, Оврупода XVI асрда қўлланилганлиги хакида ёзади. Қисқа қилиб айтганда наркотик ва психотроп моддалар ҳозирги кунда дунёнинг барча қитъаларига тарқалган яъни «пандемия» тусини олган. Наркомания сўзи кенг маънога эга бўлиб, тарихан турлича сўзлар билан талқин қилинган (наркомания – гиёҳвандлик, бангилик, нашавандлик, карахтлилик). Бангилик – халқ тилида аталиб келган сўз, банги – банги бўлиб қолишлик маъносида. Нашавандлик – наша ўсимлиги, наша препаратларига ўрганиб қолишлик. Гиёҳвандлик – кайф келтириб чиқарувчи, ўзига ўргатиб қўювчи воситалардан, масалан кўкнори, тамаки, наша, каноп ўсимлигининг айрим тури ва уларнинг препаратларини истеъмол қилишликни англатади. Карахтлик эса карахт бўлиб қолган, ўзини билмай қолган, наркоз ҳолатига тушишлик деган маънони англатади ва бундан асл маъно келиб чиқади. Наркомания эса «Нарко» (наркоз) ва «мания» (одам) сўзларининг йиғиндиси ҳисобланиб, наркоз – хеч нарсани сезмайдиган ҳолатни англатади. **Токсикомания**— бу айрим препаратларга, дори воситаларига, кимёвий моддаларга ёки маълум гуруҳга кирувчи дори воситаларига ўрганиб қолишликдир. Масалан: а) барбитурат кислота унумлари (уйқудорилар) — люминал, веронал, мединал, гексобарбитал, нембутал, циклобарбиталларга; пиридин унумлари — ноксирон, тетридин, ортоналларга; алифатик қатор препаратларга — хлоралгидрат, хлор этон, бромурал, адалин.**Политоксикомания** — бу икки ёки ундан ортиқ наркотик моддаларга ўрганиб қолишлик бўлиб, жуда оғир дард ҳисобланади.

Дунё бўйича ахвол халокатли ва кўп фожиаларга олиб келаётгани учун нафақат тиббиёт ходимлари, балки барча-барчанинг харакати наркоманияни олдини олиш (профилактикаси), даволаш ва улар келтириб чиқараётган оғир асоратларга барҳам беришга қаратилган бўлиши керак. Маълумки, опий препаратлари — наркотиклари вена қон томирига юбориш йўли билан қабул қилинса, **СИФИЛИС** (захм), **ГЕПАТИТ** (сариқ касаллиги) ва бошқаларни,

айниқса биринчи галда **СПИД (ОИТС)** касаллигини келтириб чиқариб, оқибатда организмнинг ҳимоя қувватини — **ИММУНИТЕТни** пасайтиради. Уларнинг ҳар бири тўғрисида кўп ва хўп гапириш мумкин.Қорадори (опий) ва опий маҳсулотларини суиъстемол қилиш ва уларни тарқатишни олдини олишнинг (профилактикасининг) асосий усуллари давлат ва халқаро келишишлик тизими билан биргаликда (комплекс) дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги ҳолатларда кузатиб, тегишли жазо чоралари кўрилади. Масалан:

1. Наркотикларни тиббиёт амалиётида қўллашликларни кучли назорат остига олишлик.
2. Қонунга хилоф равишда наркотик моддаларни етиштириш ва ишлаб чиқарилишига йўл қўймаслик.
3. Наркотик моддаларга эга бўлишлик.
4. Наркотик моддаларни сақлаш.
5. Наркотик моддаларни бир жойдан бошқа жойларга етказиш.
6. Наркотик моддаларни ўтказиш ва сотиш.
7. Наркотик моддани айрим шахслар томонидан сунъий ҳолда ишлаб чиқаришликка йўл қўймаслик.
8. Кўкнори ўсимлигини ўстириб етказиш ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг ҳаммаси шахсий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.Ва энг муҳими наркоманиянинг олдини олиш — СПИД (ОИТС) ва ВИЧ-инфекциядан-сақланишдир. Аммо, хар қандай бўлганда ҳам ушбу нотўғри йўлга қадам босишликнинг бошлағич сабаби шахснинг иродасини бўшлиги, кайф-сафога мойиллиги ва ақл-фаросат билан ҳаётга интилмаганлиги туради.

**Наркомания ва спидга қарши чора-тадбирларнинг самарали бўлиши учун** қуйидаги иш режаларини амалга оширмоқлик лозим:

**I. Ташкилий ишлар:**

1. Маънавият, маърифат, маданият маркази ва унга ректорат, маъмурият раҳбарлиги.
2. Ушбу масалаларга масъул шахсларни белгилаш.
3. Амалий ишлар режасини тузиш.
4. Ишчи гуруҳларни тузиш.
5. Бажарилиши лозим бўлган ишларни амалга оширилишини таъминлаш.
6. Бажариладиган иш вақти ва жойини аниқлаш.

**II. Қандай ишлар амалда бажарилиши керак?**

1. Режа бўйича анжуманлар, йиғилишлар уюштириш.
2. Бажариладиган ишларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш.
3. Маъруза ва мавзунинг тайёрлигини таъминлаш.
4. Талабалар ва бошқа тингловчиларни уюштириш.
5. Деворий сурат, кўргазмали қуроллар ва мақолаларни уюштириш.
6. Газета ва журналларда мақолаларни чоп эттириш.
7. Расмлар, плакатлар ва бошқаларни уюштириш.
8. Театр ва телевидениедан фойдаланиш.



9. Суҳбатлар ҳамда савол-жавоб кабиларни ўтказиш.
10. Илмий-оммабоп рисолалар ва китоблар ёзиш.

Гиёҳвандлику тасодифий ёки бирор ҳолат эмас. Уни йўқотиш учун, аввало нималигини тушуниш, тушунтириш, сабабларини билиш керак. Унинг келтириб чиқарадиган оқибатларини объектив – холисона хал қилгандагина олдини олиш ва унга қарши курашишларини олиб бориш мумкин.Тўларoқ тушунчага эга бўлиш керак бўлса, — бутун маъноси билан «оғир хасталик»дир, яъни у ёки бу наркотик моддаларга (ёки кайф келтириб чиқарувчи моддаларга) ишқибозлик ва мойиллик билан «ўз ихтиёри ила миясини гангитишдир. Натижада ушбу ўта нотўри йўлга қадам қўйган шахс ўзининг одамлик қиёфасини йўқотади, ўзининг олижаноб инсонийлик обрў-эътиборидан махрум бўлади, руҳан психологик ҳамда жисмонан носоғлом бўлиб қолади. Касбидан айрилади. Нима иш қилишига хатто ақли ҳам етмай қолади ва охир оқибат ишсизликка дучор бўлиб, жиноий ишларга қўл уради, ўғрилик қилади, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам бахтсизлик келтириб чиқаради ва энг оғири ҳам руҳан, ҳам жисмонан,одамлик қиёфасини йўқотиб, тансихатлиги қайтиб ўз жойига тушмайди. Энг ачинарлиси, наркоманлик ҳолати ҳар қанча даволангандан кейин (оғир ҳолатларда) ҳам қайталаниши кўпроқ аниқ ҳисобланади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, энг ҳавфлиси наркоман ва унинг оиласидагилар ушбу ҳолатга тушишига қарши курашда кўпинча кечикадилар. Шунинг учун наркотик моддани эксперимент учун, унинг кайфини синаб кўриш учун, бир-икки марта, ҳечнарса бўлмайди деб хавас қилиб, ўта ҳавфли ва ўта ақлсизлик белгиси деб айтсак муболаға бўлмайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқи. 1993 й. сентябрь.
2. С. Е. Хайман и др. Наркомания. - М.: Медицина. 1998.
3. Э. А. Бабаян, М. Х. Говопольский. Наркология. -М., 1987.

## ҲАЁТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

*ЎзДЖТУ, Халқаро журналистика фак.*
*М. Оққўзиева, Илмий раҳбар: Ҳ. Эргашева*

Ҳаётнинг пайдо бўлиши оддийгина биосферадан бошланди ва ўша даврдан бошлаб унинг эволюцияси турли хил микроорганизмлар, замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар билан зич равишда боғланган. Дж.Симпсон маълумотига кўра, ҳозиргача ўлиб, қирилиб битган турлар сони ер шарида бир неча миллиарддан кўпроқдир. Ҳозир биосферада 1,5 млн.дан ортиқ организм турлари ҳаёт кечиради. Планетамизда ҳаёт кечирадиган организмларнинг хилма-хиллиги ҳозир ҳам, аввал ҳам биосферанинг ривожланиш тарихи билан боғлиқдир. Биосферадаги тирик организмлар